

6-1-2019

## INSURANCE AS A POWERFUL FINANCIAL INSTRUMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

M. Akhmedova

*Tashkent Financial institute*

I. Abdurakhmonov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Akhmedova, M. and Abdurakhmonov, I. (2019) "INSURANCE AS A POWERFUL FINANCIAL INSTRUMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY," *International Finance and Accounting*. Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **INSURANCE AS A POWERFUL FINANCIAL INSTRUMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY**

This article discusses the international practice of insurance and the procedure for its implementation. The analysis of the development directions of the insurance market of Uzbekistan is analyzed. In addition, proposals and recommendations were developed for the development of the insurance market.

**Keywords:** insurance activity, socio-economic development, national insurance market, voluntary insurance, compulsory insurance.

Insurance companies are a powerful financial tool that plays an important role in ensuring the social, economic and environmental safety of the country. In developed countries, insurance represents a complex system that supports all aspects of socio-economic life of the society, the success of the enterprise, economic sustainability and material well-being. Study of the world experience shows that the greatest degree of protection of the population is the existence of public and private organizations, commercial and non-commercial organizations in the social risk insurance system. The peculiarity of the insurance market in Uzbekistan is the process of its rapid development.

Important conditions of insurance activity in almost all spheres of activity are defined by its economic content, which is one of the main financial instruments that will be involved in redistribution of income and resources for compensation of damage caused by emergency situations, ensuring uninterrupted production processes.

In accordance with the "Strategy of Action" in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, extensive reforms are being carried out in the country's national economy to improve living standards and create favorable conditions. It has set the task of "expanding the quality of new types of insurance, leasing and other financial services".<sup>1</sup>

The insurance market should be an integral part of the financial market as a reliable partner in promoting sustainable development of the economy, establishing partnerships, protecting the rights and legitimate interests of the population and businesses, and gaining confidence in professional market participants. It has a number of features related to the development of the economy of Uzbekistan and distinguishes it from foreign insurance markets.

In developed economies, the insurance system is an integral part of the international insurance market. This is a major source of national economy, and funds accumulated by insurance companies are a major source of investment. The article

---

<sup>1</sup> Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan" of February 7, 2017, No 4947

briefly discusses the insurance markets of advanced foreign countries such as the USA, Great Britain and Germany.

Today, the Uzbek insurance companies offer a wide range of insurance services in the field of general insurance and life insurance. Companies provide insurance services on voluntary and compulsory insurance in accordance with their licenses.

For the further development of the domestic market of insurance services, it is necessary to accelerate the development and adoption of legislation governing the activities of mutual insurance companies. Insurance companies are always in need of mutual insurance, regardless of the quality of insurance services. The necessary way to increase the level of confidence in the market of insurance services is to ensure transparency of the information. Like other financial institutions, insurance organizations must publish financial statements.

It is important to increase the literacy of potential insurers in promoting the insurance industry. In addition to using foreign experience, it is necessary to create favorable conditions for further development of innovation in the country. Some areas of insurance activity require sufficient theoretical and methodological research.

National insurance companies and foreign investors need to create a strategy to encourage insurance products to meet the insurers' needs and to meet the requirements of each particular region.

In summary, our society needs to protect its property and financial interests in everyday life, as well as carry out various activities and implement socioeconomic programs. All of these can be insured by the government. The need to improve the legislation in the sphere of insurance market regulation leads to numerous public debates related to the insurance market, perspective directions of its development and its concepts. Providing an essential part of the economy, an integral part of the economy on the domestic market of insurance services, is a socio-economic task of the state.

*(Full article is available in Uzbek)*

**“Солиқлар ва суғурта” факультети  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналиши  
СТ-40 гуруҳи талабаси  
Ахмедова Мафтуна Юсуф қизи  
Илмий раҳбар:  
Абдурахмонов Илём Хуршидович  
“Суғурта иши” кафедраси мудири  
И.ф.н., дотс**

## **СУҒУРТА - МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КУЧЛИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТАСИ**

Мазкур мақолада суғурта фаолиятининг хориж тажрибаси, амалга ошириш тартиби масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш йўналишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, суғурта бозори ривожланишига кўмак бўливи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** суғурта фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, миллий суғурта бозори, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта.

## **СТРАХОВАНИЕ КАК МОЩНЫЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТРУМЕНТ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ**

В данной статье обсуждается международная практика страховой деятельности и порядок ее реализации. Проанализирован анализ направлений развития страхового рынка Узбекистана. Кроме того, были разработаны предложения и рекомендации для развития страхового рынка.

**Ключевые слова:** страховая деятельность, социально-экономическое развитие, национальный страховой рынок, добровольное страхование, обязательное страхование.

### **КИРИШ**

Суғурта ташкилотлари мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган кучли молиявий воситаси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига, корхона фаолиятининг муваффақияти, иқтисодий барқарорлик ва моддий фаровонликни қўллаб-қувватловчи мураккаб тизимни ифодалайди. Дунё тажрибасини ўрганиш аҳолининг энг катта ҳимоя даражасини ижтимоий рискларни суғурталаш тизимида давлат ва хусусий ташкилотлар, тижорат ва нотижорат ташкилотлар мавжудлигини кўрсатди. Ўзбекистонда суғурта бозоринининг ўзига хос хусусияти унинг жадал ривожланиши жараёни эканлигидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Харакатлар стратегияси”га мувофиқ аҳолини турмуш даражасини кўтариш, қулай шароитларни яратиш мақсадида

мамлакат миллий иқтисодиётида кенг ислохотлар ўтказилмоқда[1]. Унда “янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш” каби масалалар вазифа қилиб белгилаб қўйилган.

Суғурта бозори молия бозорининг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, ҳамкорлик муносабатларини яратишда, аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли ҳамкор сифатида суғурта бозори профессионал иштирокчиларига ишончини қозонишда кўмакдош бўлиши лозимдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш шартлари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга эга ва уни хорижий суғурта бозорларидан ажратиб туради.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда суғурта тизими халқаро суғурта бозорининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу миллий иқтисодиётнинг муҳим сектори, суғурта ташкилотлари тўпланган маблағлар йирик инвестициялар манбаи ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларида суғурта компанияларининг икки тури мавжуд: акциядорлик компаниялари ва ўзаро суғурта компаниялари. Суғурта компаниялари суғуртанинг уч турини тақдим этади: савдо (кенг доирадаги); фуқароларнинг мол-мулклари (бинолар, автомобиллар ва бошқалар); шахсий (ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси, тиббиёт, пенсия, жамғарма ва бошқалар). Америка Қўшма Штатларда энг катта улушга шахсий суғурта эга. У қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳаётни суғурталаш (ўлим суғуртаси, маълум бир ёшгача яшаш суғуртаси); ижара ёки пенсия суғуртаси; соғлиқни сақлаш ва бахтсиз ҳодисалардан суғурта.

Германия миллий суғурта бозорининг ярмидан кўпи (51%) мулкни суғурталаш ҳисобланади. Германияда тиббий суғурталаш бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда камроқ. Германиянинг суғурта бозори давлат ижтимоий таъминот тизими ва суғурта хизматларининг хусусий сектори ўртасида тақсимланади. Ижтимоий суғурта, агар улар хусусий суғурта сектори томонидан қопланмаган бўлса, барча ишчилар учун мажбурийдир. Бу эса, ишсизлик даврида вақтинчалик ногиронликдан суғурталашга қарамасдан, узоқ муддатли суғуртани назарда тутди. Германияда суғурта хизматларининг хусусий сектори акциядорлар суғурта компаниялари, ўзаро суғурта компаниялари ва давлат суғурта компаниялари ҳисобланадилар.

Германияда фаолият кўрсатаётган миллий ва хорижий суғурта компаниялари Суғурта компаниялари назорати бўйича федерал бюро томонидан назорат остига олинади. Давлат суғурта назорати федерал агентлигининг асосий мақсади суғурталанувчилар манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Буюк Британия суғурта бозори дунёда энг катта суғурта бозори бўлмасда, у энг қадимги суғурта бозори ҳисобланади. Минг йиллардан буён инглиз суғурта бозори суғурта шартларини белгилаб қўйди. Инглиз суғурта қоидалари дунёнинг кўпгина давлатларида миллий суғурта шартларининг асосини ташкил

этди. Дунёдаги барча суғурта мукофотларининг деярли 1/10 қисми Британия суғурта компаниялари ҳисобига ўтади. Дунёнинг энг машхур суғурта ташкилоти бўлган Ллойд синдикати 23,5 мингдан ортиқ индивидуал суғурта компаниясини бирлаштиради, улардан 2181 таси чет эллик иштирокчилар (шу жумладан АҚШдан 1370 нафар). Чет мамлакатлардаги суғурта фаолиятини таҳлил қилиш бизга мамлакат суғурта бозорига уларнинг ижобий тарафларини олиб кириш имконини беради[2].

Ўзбекистон суғурталовчиларининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш суғурта бозори барқарор ривожланиш босқичига кирган деган хулосага келди, шунинг учун ўсиш суръатларини янада ошириш қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, суғурта бозорида ўсиш динамикасини кўрсатди.


Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта компаниялари умумий суғурта соҳасида ва ҳаётни суғурталаш соҳасида кенг суғурта хизматларини тақдим этмоқда. Компаниялар, лицензияларига мувофиқ, ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта хизматларини тақдим этадилар.

2017 йил якунида Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори юқори даражада ўсиш суръатига эришди. Суғурта бозорини янада батафсил ўрганиш учун таҳлил қилиш амалга оширилди ва баъзи маълумотлар таққосланди.

Умумий суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 788,8 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 417,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан умумий суғурта тармоғи орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 188,9% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Умумий суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 191,7 млрд.сўмни ташкил этди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 63,6 млрд.сўмни ташкил этган. 2014 йилга нисбатан умумий суғурта тармоғи орқали тўланган суғурта тўловлари 301,4% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

## Ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>2</sup>



Ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 694,11 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 179,01 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан ихтиёрий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 387,7% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.


Ихтиёрий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 202,4 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 29,8 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан ихтиёрий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари 678,9% га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 2017 йилда 233,35 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 77,3 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари 301,9%га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

<sup>2</sup>saipro.uz– Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.



### Мажбурий суғурта турлари орқали келиб тушган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта тўловлари динамикаси (млрд.сўмда).<sup>3</sup>



Мажбурий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари эса 2017 йилда 67,58 млрд.сўмни ташкил этди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 13,82 млрд.сўмни ташкил этган. 2012 йилга нисбатан мажбурий суғурта турлари орқали тўланган суғурта тўловлари 489,01%га ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Келиб тушган суғурта мукофотлари суғурта турлари бўйича тақсимланганда, миллий суғурта компанияларининг портфелида ихтиёрий суғурта тури асосийси эканлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилда йиғилган суғурта мукофотларининг 74,8 фоизи ихтиёрий суғурта тури бўйича келиб тушганлигини ва охириги беш йил ичида суғурта мукофотларининг кўп қисми асосан ушбу суғурта тури бўйича тушганлиги республикамизда ихтиёрий суғурта мажбурий суғуртадан яхшироқ ривожланганлигидан далолатдир.

Суғурта хизматлари ички бозорининг янада самарали ривожланиши учун ўзаро суғурта компанияларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштириш зарур. Суғурта компанияларида суғурта хизматлари қанчалик сифатли бўлишидан қатъи назар, ўзаро суғурта қилишга доимо эҳтиёж бор. Суғурта хизматлари бозорида ишонч даражасини оширишнинг зарур усули ахборотнинг ошқоралигини таъминлашдир. Бошқа молия муассасалари сингари, суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботларни нашр этишлари шарт[4].

Суғурта индустриясини рағбатлантиришда эҳтимолдаги суғурталовчиларнинг саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажрибани қўллашдан ташқари, мамлакатда инновацияларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Суғурта

<sup>3</sup>saipro.uz– Миллий ахборот-рейтинг агентлиги маълумотлари.



фаолиятининг айрим йўналишлари етарли назарий ва методологик тадқиқотлар талаб этади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, жамиятимиз ўз мол-мулкини ва молиявий манфаатларини кундалик ҳаётда ҳимоя қилиш, шунингдек, турли хил фаолиятни амалга ошириш ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга муҳтож. Буларнинг барчаси давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганда суғурта қилиши мумкин. Суғурта хизматлари бозорини тартибга солиш соҳасида қонунларни такомиллаштириш зарурати суғурта бозори, уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва уни кейинчалик ишлашининг концепциялари билан боғлиқ кўплаб жамоатчилик муҳокамасига олиб келади. Иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмини, унинг суғурта хизматларининг ички бозорида иқтисодиётнинг ажралмас қисмини таъминлаш - бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифасидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси Тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
2. Risk Management and Insurance / С. Arthur Williams. Jr, Michael L. Smith, Peter C. Young. Irwin, McGraw-Hill, 2015. P 549.
3. <http://www.saipro.uz>
4. Shennaev X.M., O‘zbekistonsug‘urtabozori. O‘quvqo‘llanma. T.,2013y.
5. <http://www.saipro.uz>
6. <http://www.insur-info.ru>